

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатгаолинди:

№БД – 5111400 – 2.03

201 7 йил “2” 06



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

201 7 йил “28” 06

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар соҳа
	200 000	–	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	110 000	–	Педагогика
	120 000	–	Гуманитар фанлар
	220 000	–	Журналистика ва ахборот
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)
	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)
	5220100	–	Журналистика (халқаро журналистика)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | | |
|--------------|---|---|
| Д.Ёрматова | – | ЎзДЖТУ, “Табиий фанлар” кафедраси профессори, қишлоқ хужалик фанлари доктори. |
| Х.Хушвақтова | – | ЎзДЖТУ, “Табиий фанлар” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент. |
| З.Валиева | – | ЎзДЖТУ, “Табиий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси. |

Такризчилар:

- | | | |
|--------------|---|---|
| Г.Шайхова | – | ТТА, “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори. |
| Р.Мударисова | – | ЎзДЖТУ, “Табиий фанлар” кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди. |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаёти ва соғлиғини инсон фаолиятининг барча соҳаларида муҳофазалашда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу фан таркибида, “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш”, “Ҳозирги замон табиий билимлар концепцияси” курслари ўқитилади. Дастур ушбу фанлар тарихи, ривож ва истиқболи ҳамда Республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари, ишлаб чиқариш ва ҳудудий хавфсизлик муаммоларининг инсон ҳаёти хавфсизлигига таъсири масалаларини қамрайди. Ушбу фан инсон ўзи яшаб турган табиатнинг мавжуд қонунларни билиши ва уларга амал қилишга онгли муносабатда бўлишда, табиатни асраш, биохилмаҳилликни сақлаб қолиш ва табиатдаги жараёнларининг моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

Зеро, ҳозирги глобаллашув замонида инсон ўзи яшаб турган табиатда ўз ҳаётини турли хил бўҳронларсиз таъминлаш масаласи энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки техносфералардан атмосферага ташланаётган захарли моддалар ишлаб чиқариш жараёни натижасида, ишловчилар учун санитария ва гигиена меъёр ва қоидаларини бузилишига олиб келмоқда. Ривожланишдаги ноҳуш вазиятларнинг мураккаблашуви, давлатлар ўртасида инсоният ҳаётига хавф-хатар солувчи ҳолатларнинг рўй бериши, кўплаб хавфларни юзага келтириб, инсонларнинг ҳаётий фаолиятига, соғлиғига, атроф-муҳит тозаллигига ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таҳдид солмоқда. Шу сабабли ҳам мамлакатимизнинг энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторида аҳоли ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарб ўрин олган. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани математик ва табиий-илмий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 2,3,4 -курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад бўлажак мутахассисларга ҳаётий фаолиятларида юзага келадиган хавфларнинг келиб чиқиш сабабларини, хусусиятларини, оқибатларини ва уларни йўқотиш қоидаларини, хавфсиз иш шароитларини яратиш, инсон ўзи яшаб турган табиатдаги экологик тушунчалари ва категорияларини, табиатнинг қонунлари ва тамойилларини ўргатиш, табиий, техноген, экологик ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва аҳолини ҳимоя қилиш, уларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳимояланишга ҳамда жароҳат олганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини ўргатишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни ҳаётий фаолиятда юзага келадиган хавфларни идентификациялаш ва уларни ўрганиш, ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, техносферада касб касалликларини камайтирадиган ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ўрганиш, шунингдек, аҳолини табиий офат, авария ва ҳалокатлардан ҳимояланиш усулларига ўргатиш, зарарланган кимёвий ва радиацион шикастланиш ўчоқларидаги фуқароларни қутқариш ва тиклов ишларини ўтказиш, ёнғинга қарши хавфсизлик чораларини кўриш, жароҳат олганларга ва терминал ҳолатларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳим вазифаларни бажара оладиган

тасаввур, билим, кўникма ва касбий малакага эга инсонни тарбиялашга қаратилган.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. Талаба: табиий билим асослари, табиатдаги инсониятга боғлиқ бўлмаган техноген жараёнлар, глобал исиш ва унинг оқибатлари ва экологик омиллар, бухронлар, биохилмахиллик, популяция; хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва аҳолини фавқулодда ҳимоя қилиш, радиоактив моддаларнинг зарари; ҳозирги замон табиий билимларнинг тарихий босқичлари, Греция ва Римдаги антик давр олимлари ва Марказий Осиё алломаларининг табиатшунослик фанига қўшган ҳиссаларини; хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини таҳлил қилиш **тасаввурга эга бўлиши;**

– хавф-хатарларни идентификациялаш, экологик билим асосларини, табиатнинг ўзига хос қонунлари, тушунчалари, категорияларини, вужудга келадиган табиий жараёнларнинг хусусиятларини, экологик билим асосларини, табиатнинг ўзига хос қонунлари, тушунчалари, категорияларини, вужудга келадиган табиий жараёнларнинг хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– талаба табиий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, табиий ва экологик муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш, - фавқулодда вазиятларда инсонлар ва моддий бойликларни сақлаш ва қутқариш воситаларини ишлатиш бўйича **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

-турли ҳолатларда жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсата олиш, техника, электр ва ёнғин хавфсизлиги талаб ва меъёрларини тез ва қатъийлик билан бажариш **тажрибасига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модул. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

1-мавзу. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг таркибий қисмлари ва уларни текшириш объектлари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, уларнинг мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Техносферада хавфсизликни таъминлаш воситалари. “Инсон-муҳит” тизимида инсон омили. Фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг эргономика асослари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг иқтисодий жиҳатлари.

2-мавзу. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий - ташкилий асослари.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари, мазмуни. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган асосий қонунлар, стандартлар, низомлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар тизими. Фаолият хавфсизлиги қонун – қоидаларга амал қилинишини назорат қилиш тизими, қоида ва талабларни бузганда тортиладиган жавобгарликлар. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини бошқариш тизими,

хавфсизликни таъминлашга оид тадбирларини режалаштириш, маблағ билан таъминлаш. Ишловчиларни фаолият хавфсизлиги талабларига амал қилишга ўқитиш тизими. Ишлаб чиқаришда фаолият жараёни вақтида юзага келадиган жароҳатланишлар ва касб касалликлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, таҳлил қилиш, олдини олиш тадбирлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

3-мавзу. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг тиббий-биологик асослари. Ақлий меҳнат гигиенаси.

Инсон меҳнат фаолиятининг физиологик-гигиеник асослари. Инсон меҳнат фаолиятига таъсир этувчи салбий омиллар, уларнинг турлари, моҳияти ва ҳимояланиш усуллари. Инсон меҳнат фаолиятининг турлари, физиологик таъсири. Меҳнатнинг физиологик асослари. Меҳнат жараёнида ишловчининг ишлаш қобилитини пасайиши ва зўриқиши.

4-мавзу. Ишлаб чиқариш жараёнлари санитарияси ва гигиенаси.

Ишлаб чиқаришнинг санитарияси ва гигиенаси меъёрлари, мазмуни. Техносферада ҳаво муҳитининг кўрсаткичлари, уларнинг меҳнат фаолиятига таъсири, ишлаб чиқариш микроиқлимнинг гигиеник меъёрлари, уларнинг инсон организмга таъсири. Ишлаб чиқаришда мўътадил об-ҳаво шароитини яратиш. Ишлаб чиқаришда электрхавфсизлик асослари. Техносферада хавфсизликни таъминлаш масалалари. Ишлаб чиқаришдаги касб касалликлари ва шикастланишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чора-тадбирлари.

5-мавзу. Ишлаб чиқаришдаги шикастланишларда биринчи ёрдам кўрсатиш.

Республикада ҳалокатлар тиббий хизматининг ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари. Томирлардан қон кетиши, турлари, вақтинча тўхтатиш усуллари. Десмургия-боғлам турлари, боғлов материаллари, боғлам қўйиш қодалари. Суякларнинг очиқ ва ёпиқ синиши, суяк синганда ва бўғимлар чиққанда кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам. Чўкиш, чўкиш турлари, сабаблари, оқибатлари ва сувга чўккан одамга шошилиш ёрдам кўрсатиш. Электр токидан шикастланиш, ток уриши ва электр токидан куйиш тушунчалари, ток белгилари, электр токи орган инсонларга тиббий ёрдам кўрсатиш.

6-мавзу. Ўткир захарланишлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Атмосфера ҳавоси таркибидаги ишлаб чиқариш чанглари ва захарли моддаларнинг инсон организмга салбий таъсири, уларга қарши чора-тадбирлар. Ишлаб чиқариш жараёнларида зарарли омиллар ва улардан ҳимояланиш тадбирлари. Ишлаб чиқаришда об-ҳаво шароити ва уларни меъёрлаш. Ишлаб чиқаришда зарарли моддалар ва улардан ҳимояланиш усуллари. Ишлаб чиқариш корхоналарини шамоллатиш, уларнинг турлари, умумий ва маҳаллий шамоллатишнинг моҳияти.

7-мавзу. Ўткир захарланишлар ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари.

Ўткир захарланишлардаги шифокордан олдинги ёрдамнинг умумий чора-тадбирлари: Озиқ овқатлардан ва ҳашоратлар чакқанда захарланишнинг ўзига хос хусусиятлари, овқатдан, қўзқориндан захарланганда, илон, чаён, қорақурт ва ари чакқанда биринчи ёрдам кўрсатиш.

8-мавзу. Жонлантириш. Реанимация.

Ҳаёт фаолияти жараёнида фавқулодда терминал ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалари, тамойиллари, юрак-ўпка реанимациясининг ўтказиш тартиби, юрак-ўпка реанимациясининг эффективлиги, асоратлари, юрак-ўпка реанимациясини ўтказишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар

9-мавзу. Юқори нафас йўллари ўтказувчанлигини тиклаш.

Юқори нафас йўллари ўтказувчанлигини бузилиши, сабаблари, оқибатлари, нафас йўллари ўтказувчанлигини тиклашнинг ёшга доир хусусиятлари, усуллари: оғиз бўшлигини қўл билан тозалаш, тикланиш ҳолатини бериш, Геймлих усули. Атмосфера ҳавосининг кимёвий моддаллар билан ифлосланишида нафас йўллари ўтказувчанлигига таъсири

2-Модул. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси

1-мавзу. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазасининг мақсад ва вазифалари.

Фавқулодда вазиятлар, уларнинг турлари ва хусусиятлари. Фуқаро муҳофазасининг мақсади, вазифалари, куч ва воситалари, унинг иқтисодиёт тармоқларида ташкил этиш тартиблари. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этилиши ҳамда фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимлари(ФВДТ) тўғрисидаги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти. Фуқароларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш услублари ва воситалари, уларнинг хусусиятлари. Қутқарув ва бошқа шошилиш ишларини ташкилий асослари, шикастланган ўчоқларда уларни олиб бориш усуллари.

2-мавзу. Аҳолини фуқаро муҳофазаси бўйича ўқитиш

Аҳолини фуқаро муҳофазасига ўқитиш ва тайёрлаш “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга асосан олиб борилади. Бошқарув органлари, Фавқулодда вазиятлар давлат тизими кучлари ва мамлакат аҳолисини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш бўйича ягона давлат тизими. Аҳолини фуқаро муҳофазасига ўқитиш ва тайёрлаш гуруҳлари.

3-мавзу. Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сон қарорининг моҳияти. Ер силкиниши ва сурилиши, тупроқ, қор кўчкилари, сув тошқини, кучли шамоллар, қурғоқчилик ва сел ҳодисаси офатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, хусусиятлари, келтирадиган талафотлари ва ҳар бир катастрофик ўчоқда олиб бориладиган чора-тадбирлар. Табиий офатлар, авария ва ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қутқарув ва бошқа шошилиш ишларни ташкил этиш ва ўтказиш.

4 -мавзу. Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ва муҳофиза тадбирлари

Техноген тусдаги офатлар, турлари, хусусиятлари, оқибатлари ва уларда фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари. Ёнғин хавфсизлиги. Ёнғин офати, унинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари, турлари, ёниш фазалари ва уларнинг хусусиятлари. Ёнғин офатида иншоотлардаги фуқароларни эвакуация қилиш тартиби, ёнғинга қарши тўсиқлар, хусусиятлари, ёнғин даракчилари ва алоқа тизими. Портлаш ходисаси, унинг хусусиятлари, унга қарши чора-тадбирлар. Портлашнинг салбий таъсирлари.

5-мавзу. Радиацион хавфли объектлар

Ўзбекистондаги радиацион хавфли объектлар, уларнинг зарарли омиллари, ионловчи нурланиш, ўткир ва сурункали нур касаллиги, белгилари, даврлари, даражалари, асоратлари, муҳофазаланиш чора-тадбирлари, шахсий, тиббий ва жамоа ҳимоя воситалари. Республикада тупроғида радиоактив моддалар мавжуд бўлган ҳудудлар ва уларда олиб борилаётган қазилма ишлари.

6-мавзу. Кимёвий хавфли объектлар

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган йирик кимёвий хавфли объектлар, уларнинг зарарли омиллари, кимёвий захарли моддалар таркиби, захарли моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари. Кимёвий захарли моддаларнинг инсон организмига таъсири ҳамда муҳофазаланиш чора-тадбирлари, шахсий, тиббий ва жамоа ҳимоя воситалари, улардан фойдаланиш қоидалари ва нормативлари

7-мавзу. Бактериологик қурол. Ўта хавфли юқумли касалликлар

Бактериологик хавфли воситалар, уларнинг тарқалиши, бактериологик қурол ва бактериологик ўчоқ ҳақида тушунча, бактериологик ўчоқни тугатиш чора-тадбирлари: обсервация ва карантин. Ўта хавфли юқумли касалликлар: вабо, ўлат, куйдирги, чинчечак касалликлари, уларни юқиш йўллари, организмда кечиши ва олдини олиш чора-тадбирлари.

8-мавзу. Санитария жихатидан ишлов ва зарарсизлантириш усуллари

Радиацион, кимёвий ва бактериологик зарарланиш ўчоқларида санитария ишлови ва зарарсизлантириш ишларини олиб бориш. Зарарсизлантириш турлари, усуллари ва воситалари. Зарарсизлантириш ишларига маъсул кишилар ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

9-мавзу. Аҳолини техноген ва табиий фавқулодда ҳолатларда ҳимоя қилиш воситалари

Шахсий ҳимоя воситалари: нафас йўллари (газникоблар, респираторлар, оддий пахта-докали никоблар) ва терини ҳимоя қилувчи воситалар (умумқўшин ҳимоя комплекти, ҳимоя плашлари ва костюмлари). Жамоа ҳимоя воситалари (бошпаналар, пана жойлар). Тиббий ҳимоя воситалари (АИ-2 дори қутичаси, ИИП-8 кимёвий моддаларга қарши шахсий халтача, ИПП-шахсий боғлов пакети), улардан фойдаланиш қоидалари

3-Модул. Экология ва табиатни муҳофаза қилишининг умумий асослари

1-мавзу. Ўзбекистон экологик сиёсатининг моҳияти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти

Ушбу мавзуда Ўзбекистон Республикаси президентининг Экология ва табиатни асраш, экологик таълим ва экологик дунёқарашни шакллантириш ҳақидаги қарорлари. Экология ва унинг тармоқлари, фан сифатида шаклланиши. Экологияни ўрганиш услублари. Экология йўналишидаги илмий мактабларнинг ташкил топиши. Экология фанининг предмети ва ўрганадиган объектлари. “Экология” фанининг ривожланиш тарихи.

2-мавзу. Экологик омиллар ва уларнинг турлари

Экологик омиллар классификацияси, биотик ва абиотик омилларнинг тирик организмларга таъсир қилувчи умумий қонуниятлари, антропоген, кимёвий ва техноген омилларнинг табиий муҳитга таъсири. Биоиндикаторларнинг экологик омилларга боғлиқ эканлиги. Республикада антропоген, кимёвий ва техноген омиллар таъсирида ифлосланган ҳудудлар (Навоий, Чирчиқ, Ангрен, Қувасой, Шўртан, Муборак, Тошкент шаҳарлари мисолида) ва уларни олдини олиш тадбирларини ўрганиш вазифа қилиб қўйилди.

3-мавзу. Популяциялар структураси ва ривожланиши

Популяциялар таърифи ва тушунчалар. Демэкология тушунчаси. Турлар популяциялари, классификацияси. Экологик пирамида. Географик популяция. Популяцияларнинг сон жиҳатдан ўзгариб бориши ва ривожланиши. Гомеостаз популяцияси. Популяция зичлиги, емирилиши ва ёши. Турларда биотик потенциал. Популяцияларнинг биоценозда шаклланиши.

4-мавзу. Экологик тизимлар. Биоценозлар

Табиатда моддалар ва энергия алмашинуви, биокимёвий в абиогеохимёвий экотизимларнинг классификацияси. Биоценозлар ёки биотиктуркумлар. Экотизимнинг маҳсулдорлиги. Озиқланиш тизими- сувнинг озиқланиш манбаи эканлиги. Тупроқ озиқланиш тизими. Биоценоз структураси. Биоценозда тирик организмларнинг ўзара алоқаси. Тур, тарқалиши ва экологик структураси. Экологик ниша.

5 -мавзу. Биосфера ҳақида таълимот

Биосфера тушунчаси ҳақида Вернадский таълимоти, Ер ҳақида маълумот. Биосфера чегараси. Гидросфера, литосфера ва атмосфера. Ноосфера таълимотининг ҳозирги замон талқини. Шунингдек биосферани асраш ва сақлаш. Биосферанинг энергетик баланси. Биосферада муҳим кимёвий элементларнинг айланиши. Қуруқлик ва океанларнинг бирламчи маҳсулотлари.

6-мавзу. Глобал исиш муаммоси, иқлим ўзгариши ва экологик хавфлар

Иқлим ўзгариши сабаблари, иссиқхона эффекти механизми ва экологик хавфлар. Иқлим ўзгаришининг глобал оқибатлари, химоя қилиш бўйича халқаро ҳаракатлар, иқлим ўзгаришига мослашиш ва у қандай кечиши, иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига таъсири.

7-мавзу. Орол фожиаси ва у билан боғлиқ муаммолар

Орол денгизи фожиаси, унинг ҳозирги ҳолати. Иқлимга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири. Тупроқ шўрланиши, деградацияси. Экотизимнинг тузилиши. Орол денгизининг ҳажми, сувнинг камайиш сабаблари.

8-мавзу. Биологик ресурслардан фойдаланиш муаммолари. Қўриқ хоналар ва экомарказлар мониторинги

Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари. Биологик хилма-хиллик ва уни сақлаш муаммолари. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар-қўриқхона, миллий боғлар, буюртмахоналар. Ўзбекистон кўриқхоналари, биосфераларнинг ташкил қилиниши. Ўзбекистоннинг "Қизил китоби" ва аҳамияти, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турлари.

9-мавзу. Табиий ёдгорликлар, экотуризм ва соғлом турмуш тарзи

Республикадаги табиий ёдгорликлар. Манзарали табиий боғлар. Ургут, Сайроб, Бойсун ва бошқа жойлардаги кўп йиллик чинорлар, Навоий вилоятидаги тошдаги суратлар, антиқа табиий шакллар. Ноёб ўсимликлар, ҳайвонлар кўرғазмаси. Экотуризмни шакллантириш ва унинг моҳияти. Иқтисодий самарадорлик ва саломатлик.

4-Модул. Ҳозирги замон табиий билимлар концепцияси

1-мавзу. Ҳозирги замон табиий фанлар концепцияси фанининг моҳияти

Ҳозирги замон табиий фанлар концепцияси фанининг предмети ва вазибалари. Билимлар тизимида мазкур фаннинг ўзига хос ўрни. Антик давр ва ўрта асрларда табиий фанлар ривожиди. Ўрта Осиёлик аломаларнинг дунё илм фани ривожидидаги ўрни. Табиий фанларнинг ривожланиш босқичлари, марказлари. Табиат ва инсоният бирлиги. Ҳозирги замон табиий билимлар концепцияси фанининг моҳияти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти.

2-мавзу. Дунё ва табиатни билишда илм-фаннинг ўрни

Фаннинг тавсифи ва унинг таркиби. Табиий илмий билишнинг шакллари ва услублари. Илм-фаннинг ривожланиш эволюцияси. Фанлар тизими ва уларнинг хусусиятлари. Фаннинг фаолиятида муаммо-илмий тахмин ва тажриба-хулоса-ечим тизимининг ўрни. Фан техника инқилоби ва унинг табиатшуносликдаги аҳамияти. Фан ва фалсафа, фан ва дин. Фандаги кузатиш усуллари. Фаннинг моҳияти ва ривожланиши.

3-Мавзу. Марказий Осиё мутаффакирларининг табиатшунослик фанига қўшган ҳиссалари

Марказий Осиё мутаффакирларининг табиатшунослик фани ривожига қўшган ҳиссалари: Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, математика ва тиббиёт илмининг асосчилари ва уларнинг асарлари. Темурийлар даврида илм ва фаннинг ривожланиши. Бобурномада табиатнинг таърифланиши ва Бобурнинг хизматлари.

4 –мавзу. Табиатшуносликнинг физикавий концепцияси

Атроф-мухит ва табиатни билишда физика фанининг роли. И.Ньютоннинг механик қонунлари. Замон, фазо. Эйнштейннинг нисбийлик тушунчаларининг физикавий ва фалсафий талкини. Физик ходисалар ва уларнинг тавсифи. Бошқа табиий фанлар кимё, геология, биологиянинг ривожланишида физиканинг роли.

5-мавзу. Мегадунёнинг ранг-баранглиги ва бирлиги

Ҳозирги замон табиий фанлари микро, макро ва мегадунёлар ҳақида Қуёш системаси ва ундаги самовий жисмлар. Планеталар, астероид, комета ваметеоритларҳақида. Юлдузларвауларнингтаркиби. Галактикалар, уларнингхархилшакллари. Коинотнингҳосил бўлишназариялари. «Каттапортлаш» модели. Сомон йўли галактикасида Қуёшнинг ўзига хослиги ва ҳаракати.

6-мавзу. Генетика, ирсият ва ўзгарувчанлик тушунчалари

Хужайра ва унинг таркиби. Хужайрада оқсил синтези ва генетик код. Генетика фанининг замонавий ютуқлари. Ирсият ва ўзгарувчанлик. Доминант ва рецессив белгилар. Мутация ва ижобий ва салбий оқибатлари. Молекуляр генетика ва биотехнология. Клон тушунчаси ва унинг биология фанидагитутганўрни. Ирсий касалликларнинг авлоддан-авлодга берилишининг сабаблари.

7- мавзу.Эволюцион таълимотнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари

Биологик эволюцион назариянинг асосий принциплари. Эволюция жараёнини ўрганиш усуллари. Эволюцион таълимотнинг аҳамияти. Ерда ҳаёт пайдо булиши ҳақидаги назариялар. Архей, протерозой, палеозой, мезозой, кайназой эралари. Микроэволюция ва макроэволюция.

8-мавзу. Демографик жараёнлар ва озиқ-овқат муаммолари, табиий ресурслар
Дунё мамлакатларида демографик жараёнларнинг бориши. Мальтус назарияси, озиқ-овқат муаммолари, табиий ресурслар ҳақида маълумот бериш. Ўзбекистондаги озиқ-овқат захиралари ва уни ҳал этиш муаммоларию. Озиқ-овқат ресурслари ва уларни етиштириш ҳамда инсонларнинг бу борада олиб бораётган ишлари. Республикада олиб борилаётган устувор йўналишлар.

9-мавзу. Инсоният соғлом ҳаёттарзи ва унинг замонавий муаммолари

Инсониятнинг долзарб муаммолари. атмосфера, сув, тупроқ ва ҳавонинг ифлосланиши ва саломатлик. Ижтимоиймуҳитваинсонсаломатлиги. Соғлом ҳаёттарзи. Инсон саломатлиги ва уни асраш. Соғлиқни асровчи омиллар. Цивилизаци ва генетик касалликлар ва уларнинг олдини олиш муаммолари.

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанидан семинар машғулоти учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари.
2. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий - ташкилий асослари.
3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг тиббий-биологик асослари. Ақлий меҳнат гигиенаси.
4. Ишлаб чиқаришдаги шикастланишларда биринчи ёрдам кўрсатиш.
5. Ўткир захарланишлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

6. Жонлантириш. Реанимация
7. Юқори нафас йўллари ўтказувчанлигини тиклаш
8. ҲФХ фанининг асосий тушунчалари моҳияти

“Фуқаро муҳофазаси” фанидан семинар машғулотлари учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Фавкулудда вазиятларда фуқаро муҳофазасининг мақсад ва вазифалари.
2. Аҳолини фуқаро муҳофазаси бўйича ўқитиш.
3. Табиий хусусиятли фавкулудда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари.
4. Техноген хусусиятли фавкулудда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари.
5. Радиацион хавфли объектлар.
6. Кимёвий хавфли объектлар.
7. Бактериологик қурол. Ўта хавфли юқумли касалликлар.
8. Санитария жиҳатидан ишлов ва зарарсизлантириш усуллари.
9. Аҳолини ҳимоя қилиш воситалари

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанидан семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Ўзбекистон экологик сиёсатининг моҳияти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти”
2. Экологик омиллар ва уларнинг турлари
3. Популяциялар структураси ва ривожланиши
4. Экологик тизимлар. Биоценозла
5. Биосфера ҳақида таълимот
6. Глобал иситиш муаммоси, иқлим ўзгариши ва экологик хавфлар
7. Атроф муҳитга антропоген кимёвий, табиий ва техноген таъсирлар
8. Орол фожеаси ва у билан боғлиқ муаммолар
9. Экологик мониторингни ташкил қилиш
10. Табиий ёдгорликлар ва экотуризмни ташкил қилиш

“Ҳозирги замон табиий билимлар концепцияси” фанидан семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ҳозирги замон табиий фанлар концепцияси фанининг моҳияти.
2. Дунё ва табиатни билишда илм-фан
3. Марказий Осиё мутаффақирларининг табиатшунослик фанига қўшган ҳиссалари
4. Табиатшуносликнинг физикавий концепцияси
5. Мегадунёнинг ранг-баранглиги ва бирлиги
6. Генетика, ирсият ва ўзгарувчанлик тушунчалари
7. Эволюцион таълимотнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари.
8. Демографик жараёнлар ва озик-овқат муаммолари, табиий ресурслар.
10. Инсоният соғлом ҳаёт тарзи ва унинг замонавий муаммолари.

Семинар машғулотлари мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияларда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва фуқаро муҳофазаси фанларидан мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. ҲФХ муаммоларини ўрганишга катта ҳисса қўшган жаҳон ва ватанимиз олимлари. Уларнинг асосий илмий-амалий ишлари.
2. Хавфсизликни таъминлаш тамойиллари ва услубларини таҳлил қилиш.
3. Фаолиятнинг турли босқичларида хавфсизлик шартларини таҳлил қилиш.
4. Фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг эргономик кўрсаткич-ларини таҳлил қилиш.
5. Иш ўрнини ташкиллаштиришнинг талаблари.
6. Инсон антропометрик кўрсаткичларининг фаолият хавфсизлигига таъсири.
7. Фаолият хавфсизлигини таъминлашда психологик омилларнинг аҳамияти.
8. Ўзбекистон Республикасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар тизими.
9. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича глоссарий тузиш.
10. Инсоннинг физиологик ва психологик тавсифларининг хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.
11. Одам анатомиясининг (антропометрик параметрларининг) хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.
12. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга оид халқаро тажриба ва изланишлар таҳлили.
13. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга оид чет давлатларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар таҳлили.
14. Шовқин ва титрашдан ҳимояланиш техник воситаларининг гуруҳланиши ва тузилиши.
15. Машина ва механизмлар учун техника хавфсизлиги талаблари келтириладиган меъёрий ҳужжатлар тизими.
16. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати.
17. Республика бўйича ёнғинлар содир бўлиши ва уларда кўриладиган зарарлар тўғрисида статик маълумотлар таҳлили.
18. Ёнғиндан ҳимояланишнинг замонавий техник воситалари.
19. Халқаро терроризм ва террористик ташкилотлар.
20. Ўзбекистонда бўлиши мумкин бўлган техноген хавфлар.
21. Марказий Осиёда бўлиши мумкин бўлган табиий хавфлар.
22. “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
23. Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими(ФВДТ)нинг структуравий тузилишини ўрганиш.
24. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонунбандларини ўрганиш.
25. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
26. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
27. “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
28. Фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат стандартлари тизимини ўрганиш.
29. “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
30. “Санитария назорати тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
31. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
32. “Меҳнат кодекси”нинг бандларини ўрганиш

“Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанидан мустақил иш учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Биосфера ва инсон.
2. Глобал экологик муаммолар.
3. Барқарор ривожланиш.
4. Табиий ресурслар таснифи.
5. Ўзбекистондаги экологик муаммолар.
6. Урбанизация ва атроф-муҳит.
7. Экология ва халқаро ҳамкорлик.
8. Атмосферани ифлосланиш муаммолари.
9. Орол денгизи муаммолари.
10. Экологик таълим тарбия.
11. Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш муаммолари.
12. Ўсимликларни муҳофаза қилиш.
13. Ҳайвонларни муҳофаза қилиш.
14. Табиат ва инсон.
15. Табиий ресурслар ва улардан оқилона фойдаланиш.
16. Транспорт ва атроф-муҳит.
17. Атмосферани ифлосланишининг олдини олиш тадбирлари.
18. Иқлим ўзгариши муаммолари.
19. Сувларни тозалаш методлари.
20. Тупроқларни муҳофаза қилиш муаммолари.
21. Қизил китоб ва унинг аҳамияти.
22. Ўзбекистоннинг қўриқхоналари.
23. Экология ва қонун.
24. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар.
25. Чикиндилар муаммоси.

“Ҳозирги замон табиий билимлар концепцияси” фанидан мустақил таълим учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Глобал исишининг оқибатлари.
2. XXI аср ахборот асри деб аташиши сабаблари.
3. Табиатшуносликнинг кимёвий концепцияси.
4. Коинот ҳосил булишига оид назариялар.
5. Куёшсистемасиваунингтузилиши.
6. Антропология фани ва табиат.
7. Табиатнингбиологикэволюцион тавсифи.
8. Ирсиятқонунлари, ген, евгеника ҳакидатушунчалар.
9. Биология фанидагиклонлаш, трансген ўсимликваҳайвонлар.
10. Қон гуруҳлари ва ирсий касалликлар.
11. Қитъалар, географик жойлар, бирлашиш ва узоқлашиши.
12. Геологик эра ва даврлар.
13. Фотосинтез ва унинг аҳамияти.
14. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши назариялари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. “Фавқуллодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси” О.Қудратов, Т.Ғаниев Тошкент 2005й.
2. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” Ғ.Ёрматов. Тошкент 2009
3. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” А.Қудратов. Тошкент 2005
4. “Fundamentals of Occupational SAFETY AND HEALTH “ Fourth Edition Mark A. Friend and James P. Kohn, Government Institutes An imprint of The Scarecrow Press, Inc. Lanham, Maryland • Toronto • Plymouth, UK 2007
5. Раҳимова Т.У. – “Умумий экология” Т. 2000 й.
6. Eugene Odum. Fifth Edition of “Fundamentals of ecology”. Cengage Learning; 5 edition (July 27, 2004)
7. Эргашев А.Э., Эргашев Т.А., Абдужаббаров Н.А / Основы экологии. Т. 2005.
8. Турсунов Х.Т., Раҳимова Т.У. -Экология. Т. “Чинор” 2006 й.
9. Ёрматова Д. - “Саноат экологияси”. Т, 2007й.
10. Валихонов М.Н. «Табиатшуносликнинг замонавий концепциялари» Т. 2003 й.
11. Ёрматова Д.Ё. Табиий фанлар концепцияси. Тошкент. Фан ва технология. 2008 й.

Қўшимча адабиётлар

12. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
13. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
14. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
16. “Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
17. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
18. “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқуллодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 1999 й., 9-сон.
19. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2000 й., 5-6-сон.
20. . Ёрматова Д. Экология. Т. 2011 й.
21. Ёрматова Д. Экологик мониторинг. Т. 2012 й.
22. Ширинбоев Ш., М.Сафин. Атрофмуҳитнимуҳофазақилиш. 2003.
23. Мустафаев С., Ўраков С, Суванов Ш. Умумий экология. Т. 2006.
24. Ўзбекистон республикасида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза. 2012
25. Д.Ёрматова, Х.Хушвақтова. Экологик тадқиқот усуллари ва жиҳозлари. Т.2014

26. Хамдамов И.Х., Абилова С.А. Табиийфанлар концепцияси. Т. 2007 й.
27. Филин С.П. «Концепции современного естествознания» М. 2007 г.

Интернет сайтлари

28. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
29. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
30. www.bilim.uz.
31. www.ziyo.edu.uz
32. www.ziyo.net.uz
33. www.mchs.gov.uz
34. www.nature.uz.
35. www.uznature.uz.

